

УДК 37.48.7

D. Khodzhaeva, O. Yu. Tokhtasinova,
Candidates of Philology
Kokand State Pedagogical Institute

ABOUT THE CREATION OF OCCASIONALISM

Abstract: The article discusses the views of scientists on the formation of random words and the connection of random words with speech.

Key words: literary text, occasional word, occasionalism, word formation rules, productive or communicative foundations, constructive basis.

Д. Ходжаева, О. Ю. Тохтасинова,
кандидаты филологических наук

Кокандский государственный педагогический институт

О СОЗДАНИИ ОККАЗИОНАЛИЗМ

Аннотация: В статье обсуждаются взгляды ученых на формирование случайных слов и связь случайных слов с речью.

Ключевые слова: художественный текст, окказиональное слово, окказионализм, правила словообразования, продуктивные или коммуникативные основы, конструктивная основа.

Д.Ходжаева, О.Ю.Тўхтасинова,
филология фанлари номзодлари

Қўқон Давлат Педагогика Институтини

ОККАЗИОНАЛИЗМЛАРНИНГ ЯСАЛИШИ ХУСУСИДА

Аннотация. Мақолада олимларнинг окказионал сўзларнинг ясалиши ҳақида фикрлари ва окказионал сўзларнинг нутққа боғлиқлиги ҳақида фикр юртилади.

Таянч сўзлар: бадий матн, окказионал сўз, окказионализм, сўз яшаш қоидалари, унум ёки камунум ясовчи асослар, ясовчи асос

Бадий нутқ (матн)да қўлланадиган окказионализмлар тадқиқотчилар томонидан турлича номланган. В.В.Лопатин уларни

“Ёзувчиларга хос окказионализмлар (писательские окказионализмы)” деса [1.67], Б.А.Белова сифат окказионализмларни “Индивидуал-муаллиф кўшма сифатлари (индивидуально - авторские сложные прилагательные)” деб ишлатади [2.3]. Бу қўллашлардан кўринадики, уларнинг бирида фақат ёзувчиларга хос окказионализмлар чегаралаб олинган бўлса, иккинчисида окказионализмларнинг сўз туркуми билан муносабати назарда тутилган. Е.А.Земская эса окказионализмларни сўз ясашиш нуктаи назаридан ўрганган. Тадқиқотчи окказионализмларни ясашишига кўра 2 гуруҳга бўлади:

1. Сўз ясаш қоидаларига мос келмаган ҳолда вужудга келган окказионализмлар.

2. Тилдаги сўз ясашиши қоидаларига биноан унумли ёки камунум ясовчилар асосида ясалган окказионализмлар.

Е.А.Земская биринчи гуруҳ окказионализмларини сўз ясашиш қоидаларининг мутлақо бузилиши асосида вужудга келадиган сўзлар сифатида талқин қилади. Иккинчи гуруҳдагилар эса сўз ясашиш қоидаларининг умумий жиҳатлари бузилиши натижасида пайдо бўлганини кўрсатиб ўтади [3.229].

Ўзбек тилшунослигида ҳам бадий нутқ окказионализмларига ижодкорнинг сўз танлаш маҳоратини ўрганиш доирасида йўл-йўлакай тўхтаб ўтилган. Б.Умуркулов аффикслар ёрдамида ва сўзларни қўшиб сўз ясаш асосида вужудга келган окказионализмларни тадқиқ этади [4.48-49]. А.Маматов ҳам сўз ясаш асосида яратилган окказионализмларга тўхталиб, уларни уч гуруҳга бўлади:

1. Структураси тилдаги сўз ясашиш системасига асосланган окказиона - лизмлар.

2. Структураси умуман сўз ясашиш системасига асосланган, лекин у ёки бу даражада систем қонуниятлардан четга чиққан окказионализмлар.

3. Икки ёки ундан ортиқ ҳар хил ўзақли ва турли маъноли сўзларнинг бирикувидан ташкил топган, яъни контаминациялашган окказионализмлар [5.202].

С.Тошалиева ҳам окказионализмларни ясалиш нуқтаи назаридан кенг ва махсус тадқиқ этади. Тадқиқотчи окказионал сўз ясалишининг қуйидаги усулларини кўрсатади:

1. Маҳсулдор сўз ясалиш андозасига мувофиқ яратилса ҳам, унга хос ясалишнинг грамматик ёки семантик шарт-шароити бузилади (*шеъристон*).

2. Ясовчи асосни синонимик ва антонимик муносабатдаги сўз билан алмаштириш туфайли (*тўғригўй, ёлгонгўй*).

3. Ясовчи асосни унга яқин маъноли сўз билан алмаштириш орқали (*тийинхўр*).

4. Тилда мавжуд фразеологик ибора, тасвирий ифодалар, аналитик сўз шакллари ва сўз бирикмаларини ихчамлаштириш орқали (*боғланмоқ*).

5. Ўзбек тилда мавжуд сўзлардан арабча, русча-байналмилал сўзлар, илмий-техник терминлар андазасидаги окказионал ясовчи морфемалар ёрдамида гибрид яшаш (*арпатеҳника*):

6. Ғайриодатий гибрид сўзлар яшаш (*телехушомад*)[6.46-50].

Биз окказионализмларни нутқ бирлиги сифатида семантик тамойил асосида ўргандик.

Окказионализмларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг муайян матн билан мустаҳкам боғлиқлигидир. Ҳар қандай сўзнинг маъносини реаллаштиришда матн муҳим роль ўйнайди. Окказионализмларнинг маъносини матнсиз реаллаштириб бўлмайди. Матн бўлмаса, бу сўзларнинг қандай тушунчани ифодалашини англаш қийин.

Мисоллар: *Бузуқ ўйларни лек шайтон бошимга дўллагон* (юборган, йўллаган) *эрди*. (А.Обиджон) *Гоҳи бўйтерақдек, дирдов* (мевасиз) *қолибман, на гул ва на мева тугиб, ўз-ўзим билан*. (О.Матжон) ... *Анови лабчок* (лаби тикилган) *бола йўқ-ку!* (Н.Аминов) *Салом, Фарҳод, ошиқларнинг сийначок* (қалби яраланган) *пири*. (М.Шайхзода) □ *Гулланушни денг-э!* (Зорбой тўғма кал бўлгани учун ҳам "кал" бўғини билан бошланадиган барча сўзларни "гул" тарзида айтарди.). — *Колхоздан келдингизми? — Кечира-сиз, ҳозир гулхоздан келяпмиз. — Бир нарсани коллектив бўлиб ...— Гуллектив бўлиб, - деди у.* (Н.Аминов)

Нутқ бирликларининг муҳим хусусиятларидан бири уларнинг маълум бир нутқ вазиятига боғлиқлигидир. Ҳар қандай хабар шунчаки маълумот бериш бўлмай, у нутқ вазияти билан берилаётган маълумотнинг ўзаро яхлитлигидан дарак беради. Нутқ иштирокчилари учун нутқ предмети қанчалик таниш бўлса, берилаётган маълумот шунчалик кенг қамровли бўлади. Сўзловчи шу предмет билан боғлиқ бўлган барча вазиятларни тасаввур қила олади. У энди предметларга хос бўлган доимий белгиларни ҳаммага маълум ва тушунарли бўлган бирликлар билан эмас, балки умумийроқ, мавҳумроқ маъноли бошқа бирлик билан боғлангандагина кўзда тутилган мақсадни рўёбга чиқариш мумкин. Демак, ҳар қандай бирлик гап таркибида нафақат лингвистик, балки экстралингвистик хусусиятларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. "Ҳар қандай сўз киши хотирасидаги ўзи билан мужассамлана олиш имкониятига эга бўлган барча тушунчаларни, нарсаларни кўзгата олади," [7.158] - дейди Ф.де Соссюр. Зеро, "Биргина воқеа турлича тасвирланиши мумкин, бунда вазият элементларидан қайси бири ва шунга боғлиқ ҳолда гапдаги қайси бўлак, қайси сўз асосга олиниши муҳимдир." [8.111]

Юқоридаги мисолларда окказионализмлар у ёки бу нутқ вазиятининг асосини ифодалайди. Шу асосга урғу берилади. Бу асос

луғатда ҳисобга олинган сўзлар орқали ифодаланса, сўзловчининг кўзда тутган мақсади аниқ ифодаланмай қолади. Шунинг учун тасвир объекти асосининг худди кўзланган қиррасини очиш учун сўз танлана бошлайди. Танлаш имконияти чекланган бўлса, яъни луғатдаги сўз ижодкорнинг талабига мос келмаса, янги сўз унинг мақсадига хизмат қиладиган янги шакл яратилади. Қуйидаги мисолларда ижодкорлар ўз мақсадларига хизмат қиладиган сўзлар яратиб, матн тузишган. Назаримизда, бу матнлар фақат ўз муаллифларига тушунарли. Улар кенг оммага тушунарсиздир. Ундай ҳолатда сўз ўзининг хабар, маълумот бериш вазифасини бажармайди. *Тирик бўлсам сирилай.* (С.Акбарий) *Қийноқлар, тепкилар, обдор қилич, ўқ.* (Миртемир) *Чивинхаробда чақчайма палидлар, Чалчиққа катак қурган махлуқ аёллар.* (А.Кутбиддин) *Тангри ҳукмидан чиқма, эй илҳом париси Ранжидохотир бўлма, тожу гулчамбардан кеч.* (О.Бобожонов) *Тулакзода_жувонларга бўйин эгманг бўлиб лодон, Наҳот дилни овчига Сиз газзанинг гози қилгайсиз.* (А.Обиджон) Мисолларни яна давом эттириш мумкин. Лекин улардаги окказионализмларни тушуниш мушкул бўлиб қолаверади. Сўз яратиш — ижобий ҳодиса, агар бундай сўзлар номи бор нарса, тушунчаларнинг маълум бўлмаган бошқа қирраларини очиб, шу орқали одам эътиборидан четда қолган хусусиятларни ҳам намоён эта олса. Бу ўринда Б.В.Томашевскийнинг қуйидаги фикри эътиборлидир: "Шундай сўзлар танланиши керакки, улар сўзловчининг айтмоқчи бўлган фикрига мос тушсин. Сўзловчи ўйлаб кўрсин: тасаввуридаги тушунча шу сўзлар орқали тўғри ифодаланадими? Жумлани шундай тузиш лозимки, талаб қилинганидан бошқача маъно чиқиб қолмасин.. Мана шулар тўғри, талаб даражасидаги услубни таъминлайди ва услубни тарбиялаш системасига киради" [9.185].

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лопатин В.В. Рождение слова // Неологизмы и окказиональное словообразование. — М.: Наука, 1973.—с. 67.
2. Белова Б.А. Об особенностях компонентного состава индивидуально-авторских сложных прилагательных (на материале поэзии В.Луговского) // Русское слово и языке и речи. — Кемерово: Кемеровского ГУ, 1976. — с. 3.
3. Земская Е.А. Современный русский язык. Словообразование— М.: Просвещение, 1973. — с. 229.
4. Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. — Т.: Фан, 1990. — Б.48-49.
5. Маматов А. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дис. — Т., 1991. — Б.202.
6. Тошалиева С. Маромсиз ясамалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти . — 1993, —№3. — Б. 71-74; Ўша муаллиф. Илм-фан ривожининг лисоний аломати // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.— 1993, 1 окт.. Ўша муаллиф. Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши: Филол. фанлари номзоди ... дис. — Т., 1998. — Б. 46-50.
7. Фердинанд де Соссюр. Труды по языкознанию. — М.: 1977.—С.158.
8. Гак.В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. — М.: 1981.—С.111.
9. Томашевский Б.В.Стилистика и стихосложение.— М.: 1959. — С.185